



*Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг  
78 йиллигига бағишланади*

**КўП МИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА  
ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА КЎРСАТГАН  
БЕКЎС ЖАСОРАТИ:  
ТАРИХ, ТАЛҚИН, ТЕХНОЛОГИЯ**



4.Ш. М. Мирзиёевнинг Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги, ҳамда Хотира ва  
Кадрлаш кунига бағишланган маросимдаги нутқи. // Миллий тикланишдан -  
миллий юксалиш сари. Расмий нашриёт 4 жилдда - Тошкент Ўзбекистон, 2020.  
б. - 431

## МАТОНАТ ТИМСОЛИ

ПЎЛАТОВА Севара Акмаоловна -  
тарих фанлари номзоди,  
доцент

Дунёни меҳр, муҳаббат ва вафо кутқаради. Дарҳақиқат, бу гўзал  
фазилатлар туфайли ҳаётдан умидини узган инсоннинг қувончлардан маҳрум,  
ўксик қалбини яна ҳаётга қайтариш, унга умид ва қувонч бахш этиши мумкин.  
Айнан шу буюк инсоний ҳислар Вали Ғофуров ижодининг бош лейтмотивига  
айланди.

“Игна билан ёзилган асар” номи билан элимиз оғзига тушган ва қайта-  
қайта нашр этилган “Вафодор” романининг биринчи китоби 1958 йилда ёзиб  
тугатиш ва илк бора 1961 йилда “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган  
эди. 1962 йилда асар китоб ҳолида чоп этилди. Роман 1964 йилда иккинчи бор  
нашр этилди. 1973 йилда “Вафодор” романининг иккинчи китоби ҳам нашрдан  
чиқди.

Ўтган йиллар мобайнида роман қайта-қайта чоп этилди. Асар рус ва  
бошқа тилларга ҳам таржима қилинди.

Бундан ташқари, Вали Ғофуровнинг 1978 йилда “Сўнги пушаймон”,  
1980 йилда сара ҳикоялари жамланган “Онажонлар”, 1983 йилда “Шохлардаги  
мезонлар” қисса ва ҳикоялар тўплами, 1985 йилда “Ботирга ўлим йўқ” қисса-  
хроникаси, “Учрашиш бахти” ва “Окопдан овозлар” ҳикоялар тўплamlари нашр  
этилди.

Бу асарларда уруш мавзуси бевосита ёки билвосита акс этади, сюжетлар  
ечимида қаҳрамонларнинг чин инсоний фазилатлари мадҳ этилади.

Ушбу асарлар орасида “Вафодор” романи ва “Шохлардаги мезонлар”  
тўплamlадан жой олган қисса ва ҳикоялар автобиографик характерга эга бўлиб,  
муаллифнинг Иккинчи жаҳон урушининг жангу жадалларида ва ундан кейин  
ўз бошидан кечирган, ўзи шохиди бўлган воқеа-ҳодисалар асосида ёзилган.

Вали Ғофуров 1922 йилда Тошкент шахрининг ўша вақтда Қорасув, ҳозир  
эса Яшнобод туманидаги Лисунова маҳалласида деҳқончилик билан  
шуғулланган қори Абдуғофур оиласида таваллуд топган. Унга Абдували деб  
исм қўйишади.

Кези келганда, айтиш керакки, унинг боболари ҳам қори бўлиб, илм  
олишга интилиш, ҳар соҳага қизиқувчанлик ёш Абдувалида жуда эрта намойён

к

ху

Ғо

кўч

пор:

жаро:

лекин

қунлар

“]

госпита.

изтиробл.

“Уг

кетди: ку

бошланаён

гарқ бўлди

...Хўш,

Шокиров ўзи

жавобини ол.

лишанинг қиз.

бўлди. Шу туфайли ҳам, Валижон (кейинчалик унинг исмини соддалаштириб шундай аташган) 7-синфни битиргач, Ўрта Осиё темир йўл транспорти мухандислари қошидаги Ишчилар факультетига ўқишга кирди.

1940 йилда эса Ўрта Осиё давлат университети қошида ўқитувчиларни тайёрлаш курсига ўқишга киради ва уни битиргач, Самарқанд вилояти Митан тумани Қувқалла қишлоғида 12-мактабда ўқитувчилик қила бошлайди. Вали Ғофуров илк ижод намуналарини айнан шу йилларда ёзади ва уларни болалар учун мўлжалланган нашрларда эълон қилади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Валижон Ғофуров энди 19 баҳорни қаршилаган, муаллимликни ижод билан бирга олиб боришга интилаётган навқирон йигит эди.

У 1941 йилда Нальчикдаги ҳарбий билим юрти курсанти бўлди. 1942 йилнинг ёзида жанубий фронтда оғир вазият юзага келади – фашистлар ҳужумга ўтиб, Шимолий Кавказ ҳамда Дон, Сталинград шаҳарлари учун жанглар бошланади. Айни шу паллада ҳали ўқишни тугатмаган курсант Вали Ғофуров ва унинг сафдошларига лейтенант унвони берилиб, Сталинград мудофаасига юборилади.

Бу жангларда Вали Ғофуров мардлик намуналарини кўрсатади. У хизмат қилаётган гвардиячи қисм бир неча аҳоли пунктларини озод қилади.

1942 йилнинг 18 октябрь куни эрталаб соат 4.00 да Бударин районида ҳужумга ўтишга буйруқ берилади. Ёмғир остида жанг давом этарди. Пулемётчи Ғофуров қуролдошларини пана қилиб туриш учун жойида қолади. Бошқа жойга кўчиш учун В.Ғофуров окопдан бошини чиқарган пайтида яқин орада бўлган портлаш тўлқинидан ҳушсиз йиқилади.

Эндигина 20 ёшга кирган навқирон йигит икки кўзи ва бир оёғидан жароҳат олган эди. Кейинчалик ҳарбий госпиталда унинг оёғини даволашди, лекин унинг кўзларига нур, зиё қайтмади. Унинг учун зулматга чўмган, қайғули кунлар бошланди.

“Вафодор” романида қаҳрамон Рустам Шокиров оғир жароҳат олиб, госпиталда бошқа ёруғ дунёни кўра олмаслигини билган ҳолатидаги изтироблар акс эттирилган:

*“Унинг юраги орқасига тўртиб, дунёдан гўё умидини узгандек ёниб кетди: кўзим олдида балқиб турган ёруғ жаҳон қани? Қани мен учун бошланаётган ипирин ҳаёт, ўқиш, меҳнат қилиш! Ҳаммаси қоронғилик дарёсига зарқ бўлдимми? Энди мен шу ҳасратда яшашим керакми? Кўр бўлиб-а!*

*...Хўш, Рустам, қолган умрингни шу ҳасратда ўтказишга розимисан? Шокиров ўзига шу саволни берди ва шу заҳотининг ўзидаёқ “йўқ” деб қатъий жавобини олди. Йўқ, асло мумкин эмас, агар кўзим очилмагундек бўлса, яшаининг қизиги қолмайди”, – деди”.*

Шундай оғир кечинмалар асар қаҳрамони Рустамни ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларигача олиб келади...

Тақдирнинг аёвсиз зарбасидан тушкун ҳолга тушган Вали Ғофуров бир умрлик синов билан яшаш учун ўзида ирода топа олди.

У Кўзи ожизлар жамиятининг аъзоси Василий Константинович Зотов кўмагида брайль алифбосини ўрганади. 1951 йилдан ўзи ҳам кўзи ожизларга дарс бера бошлайди.

Энди В.Ғофуров кўп вақтини кўзи ожизлар кутубхонасида ўтказиб, дунё адабиётининг сара асарлари билан танишади. Адабиёт, аниқроғи, оғир қисматли инсонларнинг таслим бўлмай ҳаёт учун кураши акс этган асарларни қайта-қайта мутолаа қилиш унинг яшашга бўлган иштиёқини оширди.

Н.Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди”, В.Короленконинг “Кўр мусиқачи”, Б.Полевойнинг “Чин инсон қиссаси” асарлари қаҳрамонлари тақдири бамисоли уни таслим бўлмасликка даъват этарди.

Шу тарика, у ўз бошидан кечирганларни қоғозга тушира бошлади...

Вали Ғофуровнинг Ойниса исмли қиз билан тақдирини боғлаши ҳам унинг ҳаётга ҳавасини, яшаш иштиёқини қайтишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳаёт қийинчиликларига қарамай, Вали Ғофуров ва Ойниса 5 ўғил ва 3 қизни вояга етказиб, ибратли умр кечиришди.

Вали Ғофуров Кўзи ожизлар жамиятига қарашли ўқув ишлаб чиқариш корхонасига ҳам раислик қилди. 1973 йилда фидокорона хизматлари учун Меҳнат қизил байроғи ордени билан мукофотланди. Матонатли жангчи адиб 1985 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланди.

## ЭМИНЖОН МАҲКАМОВ

НАЗИРОВ Мухтор –  
фалсафа доктори (PhD)

1941 йил фашист кўшинлари кутилмаганда ҳужум қилиб, бирин-кетин шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантира бошлади. Албатта, бу совуқ хабар Ўзбекистон аҳолисини ҳам қаттиқ ларзага солди. Ана шундай вазиятда 1924 йилда туғилган тошкентлик Эминжон Маҳкамов уйдагиларга билдирмай кўнгиллилар сафига, “1923 йилда тузилганман”, деб ёзилди.

1942 йил 13 мартда аскарлар маҳсулотлар юкланадиган вагонларга чиқарилиб, ҳеч қандай тайёргарликсиз Термиз шаҳрига жўнатилади. Йўл-

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВОҚЕАЛАРИНИНГ  
ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ.  
(АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ, КИНО, САНЪАТ, ФОТО,  
ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ, ХАТЛАРИ ВА БОШҚАЛАР)**

<b>Ишанходжаева З.Р.</b> Искусственный интеллект и цифровые технологии в изучении Второй мировой войны и сохранении памяти .....	287
<b>Шакиров М.А.</b> Великая победа на века. Память народа о павших вечна и священна .....	291
<b>Ўсарова Ф.</b> Ҳамид Мирсалиевнинг жасорати абадий .....	295
<b>Алиев А.О.</b> Солдатские письма.....	299
<b>Мустафаева Н.А.</b> Ватаншарвар, илмда меҳнатсевар, ҳарбийларга намуна бўлган карақалпоқ ўғлони .....	304
<b>Холбаев Х.Т.</b> “Иккинчи жаҳон уруши: ҳарбий санъат контекстида хулоса ва сабоқлар” .....	309
<b>Пўлатова С.А.</b> Матонат тимсоли.....	316
<b>Назирова М.</b> Эминжон Маҳкамов.....	318
<b>Максудова Ш.</b> Самоотверженное мужество народа Узбекистана в годы войны во имя дружбы между народами, памяти павших и процветания будущего поколения .....	321
<b>Юлдашева Ш.Э.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган болалар учун нажот масканига айланган Тошкент .....	325
<b>Исмоилов Н.</b> Ўзбекистонлик “Павлов уйи” ҳимоячилари. (Камолжон Турғунов ҳикояси) .....	329
<b>Усмонова Г.Ж.</b> Қаҳрамон Басир Валиев оиласининг ҳарбий тарихи .....	343
<b>Авезов У. Ш.</b> Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушига кўшган ҳиссаси (архив ҳужжатлари мисолида) .....	348
<b>Каримова М.Ж.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болаларнинг ҳаёти .....	353
<b>Муродова Д.Ш.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро вилоятида болалар уйлари фаолияти .....	357
<b>Сиддиқов М.Б.</b> Уруш ногиронларини протез-ортопедия буюмлар билан таъминлаш масалалари (1941-1945 йиллар) .....	363

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВОҚЕАЛАРИНИНГ  
ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ.  
(АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ, КИНО, САНЪАТ, ФОТО,  
ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ, ХАТЛАРИ ВА БОШҚАЛАР)**

**А  
ОРАТИ  
ЛАРДА**

.....201	<b>Ишанходжаева З.Р.</b> Искусственный интеллект и цифровые технологии в изучении Второй мировой войны и сохранении памяти
и .....206	<b>Шакиров М.А.</b> Великая победа на века. Память народа о павших вечна и священна
.....212	<b>Ўсарова Ф.</b> Ҳамид Мирсалиевнинг жасорати абадий
.....218	<b>Алиев А.О.</b> Солдатские письма
..228	<b>Мустафаева Н.А.</b> Ватанпарвар, илмда меҳнатсевар, ҳарбийларга намуна бўлган қарақалпоқ ўғли
..237	<b>Холбаев Х.Т.</b> “Иккинчи жаҳон уруши: ҳарбий санъат контекстида ҳулоса ва сабоқ”
.245	<b>Пўлатова С.А.</b> Матонат тимсоли
251	<b>Назирова М.</b> Эминжон Маҳкамов
257	<b>Максудова Ш.</b> Самоотверженное мужество народа Узбекистана в годы войны во между народами, памяти павших и процветания будущего поколе
63	<b>Юлдашева Ш.Э.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган болалар у нажот масканига айланган Тошкент
69	<b>Исмоилов Н.</b> Ўзбекистонлик “Павлов уйи” ҳимоячилари. (Камолжон Турғун
74	<b>Усмонова Г.Ж.</b> Қаҳрамон Басир Валиев оиласининг ҳарбий тарихи
9	<b>Авезов У. Ш.</b> Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушига қўшган ҳиссаси (архив ҳужжатлари мисолида)
	<b>Каримова М.Ж.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қ болаларнинг ҳаёти
	<b>Муродова Д.Ш.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро вилоятида болал уйлари фаолияти
	<b>Сулҳон М.Б.</b> ... буюмлар билан